

1893 йил Франция археологи Лорет Аменофис II макбарасини топган ва унинг атрофида яна 13 та бошка жасадлар бўлганлигини аниклаган. Энг фантастик кашфиёт малакали мисршунос олим Картер ва унинг бой хомийси Лорд Карнавлар томонидан 1922 йилда содир бўлган. 1903 йилдан бошлаб кейинги бир неча йиллар давомида америкалик сайёх Теодор Девис Шохлар водийсида кўл тегмаган бирорта макбара топиш умидида тинмасдан кидирув ишлари олиб борган, лекин натижа бўлмаган.

1914 йилда у текшириш ишларини тугади деб ҳисоблаб, ижарага олган Водийни Картер билан Карнавларга топширади.

Улар қарийб 9 йил изланишда бўладилар. Бу давр ичида бир неча юз тонна кум ва тошларни жойдан-жойга сурадилар. Текширилмаган ҳеч бир нарса қолмайди. Хатто кичкинагина тешик ҳам улар эътиборини четлаб ўтмайди. Аммо натижа йўқ эди. Охири улар ҳам умидларини уза бошлайдилар. Токати топқон Карнавлар 1922 йилда ишларни давом эттиришдан воз кечганлигини маълум қилади. Аммо Картер ҳеч бўлмаса яна бир-икки ой ишларни давом эттиришни ундан ўтиниб сўрайди. Чунки Картер нима учундир бир кичкинагина учбурчак шаклидаги тешикка эътибор берган эди.

Туристларнинг Рамзес VI макбарасига ўтадиган йўлини тўсмаслик мақсадида бу ерда ҳеч қим қилиш ишларини олиб бормаган эди. Шунинг учун ҳам Картер: «Мана шу бўшлиқ текширилмас экан, барча чоралар қўрилди деб бўлмайди», деган ҳулосага келади.

Карнавлар рози бўлади. Картер эса яна Мисрга қаняди ва ўша учбурчак бўшлиқни тозалашга киришади.

Бир неча кундан кейин у ҳаяжон билан қояни ичкарасига кириб кетган зинани қўриб қолади. Зина бўйлаб пастга тушади. Унинг қўз олдида мутлақо шикастланмаган девор пайдо бўлади. Картер девор олдида бир дақиқа сукут сақлайди. Деворда эса Тутанхамондан далолат берувчи шох муҳри бор эди. Картер шу захотиёқ хўжайинига қўнғирок қилади. Карнавлар зудлик билан Мисрга етиб келади. Улар деворни бузиб қирадилар. Бу ерда қурилиш чиқиндилари билан тўлдирилган тор йўлак, унда яна бир шох муҳри билан белгиланган девор бор эди. Ҳал қилувчи дамлар бошланди. Карнавлар ва бир нечта қишлар коридорда сабрсизлик билан кутиб турадилар, бу вақтда Картер деворнинг юқорисида кичик тешик очади. Қўрадики девор орқаси бўшлиқ. У электр қирогини ўша томонга йўналтиради. Картер бир неча дақиқа қотиб қолади.

«Сиз бирон нарса қўряпсизми?», деб сўрайди Карнавлар.

«Ҳа, - деб жавоб беради Картер. - Ажойиб нарсалар, худди эртақлардагидек».

Бу тарих хакида ўз вақтида ва ундан кейин ҳам жуда кўп гапирилганди, чунки у такрор ва такрор гапиришга арзийдиган тарихдир.

Картер топган хона аслида хазина билан тўлдирилган дахлиз эди. Унда иккита эшик бўлиб, бири омборхона, иккинчиси гўрхона билан боғланган.

Бу ердаги мўъжизалардан бири шохнинг тилла пластинка билан копланган тахтидир. Дархакикат у ажойиб таассурот тугдиради. Тилла пластинка тахтга суянчик сифатида ишланган бўлиб, унда шох ва малика кўринишича, богда тасвирланган. Ёш хукмдор тахтда ўтирибди. Малика Анхеснамон эса унинг елкасига мой суркамокда. Шакл ва безаклар пластинкага Ляпис-лазур ва сердолик каби кимматбаҳо тошлардан инкрустация қилиш йўли билан ишланган. Бу астойдил изланган гўзал рельефлардан биридир.

Кароватлар, курсилар ва креслолар билан бирга шохнинг кутилари, сандиги ва бошка кундалик буюмлари, хатто Тутанхамон ёшлигида тутган эбен дарахти ва фил суягидан ишланган кичик стул ҳам ана шу хонадан жой олган (30-31-расмлар).

Бу нарсаларнинг хаммаси тартибсиз равишда бир тўда қилиб уйиб ташланган. Афтидан бу кичик макбарага мебел шошилиш равишда қўйилган бўлса керак. Макбарани ўғирлашга бир марта ҳаракат ҳам қилинган.

Далил тариқасида айтиб ўтиш мумкинки, тахтнинг олтин оёқлари узиб олинган бўлиб, улар бир парча газмолга ўраб қўйилган ҳолда топилган.

Кўриниб турибдики, ўғрилар буюмларни олиб чиқиб кетишга улгурмаганлар. Уларга кимдир халакит берган. Эҳтимол ўғрилар ўз жинойтларини амалга ошираётган пайтларида қўлга тушганлар. Хуллас, 1923 йилда йўлак буюмлардан бўшатилиб, шох муҳри босилган иккинчи девор бузилганда, унинг орқасида худо ва маъбудалар шакллари билан безатилган олтин лавҳа топилган.

Аслида эса у тўғри бурчакли катта хажмдаги ёғочдан ишланган ва сирти соф тилладан инкрустация қилинган бутхона бўлиб, у бир томони 5,5 метр, иккинчи томони 3,5 метрга тенг келадиган дафн хонасини буткул эгаллаб турган.

Картер бутхона эшигини очганда, унга таниш бўлган ўша шохлик тамгаси бўлган, ўша соф олтин билан копланган лекин бошка бутхонага дуч келган.

Маълум бўлишича, бу ерда бир-бирининг ичига мослаштирилган тўртта бутхона бўлиб археологларнинг билишича, шох уларнинг энг охиригисининг тубидан жой олиши лозим бўлган.

Дархакикат Картернинг ўта профессионал мохирлиги талаб этгандек, бутхоналар қисмларга ажратиб олинганда у ерда гўрхона борлиги маълум бўлган. Гўрхонада бир-бирининг устига қўйилган учта саркофаг сақланган. Уларнинг дастлабки иккитаси олтин, рангли паста ва кимматбаҳо тошлар билан нақшланган. Мўмиё сақланган учинчи

саркофаг соф олтиндан килинган ва уни ердан кўзгатиш учун камида тўрт киши керак бўлган.

Гўрхона оркасида учинчи хона жойлашган. У хам бошкалари каби хар хил ажойиб буюмлар: кути ва кийим солинган сандик хамда чиябўри - худо Анубиснинг тилла суви билан копланган ялтирок шакли, кайикда кўлига узун арконга боғланган найза ушлаб турган шохнинг тасвири, икки гилдиракли жанг араваларининг бўлаклари ва бошка нарсалар билан тўлдирилган.

Макбаралар бўйича катта мутахассис Алан Гардинернинг хикоя килишича, Картер ўша учинчи хонадаги кутини очганда, унинг ичида патли елпигич бўлган. «Унинг парлари - деган эди у, - шунчалик гўзал ва кишини эсанкиратадиган даражада нафис ва кўркем эдики, гўё улар хозиргина туякуш канотидан юлиб олингандек, шох хам эрамиздан уч минг йил аввал эмас, балки яқинда дафн этилгандек туюларди. Улар менда кутилмаганда кучли таассурот колдирди. Бундай холатни мен ҳеч қачон бошимдан кечирмаган эдим ва бундан кейин хам кечирмасам керак» (33-расм). Энди биз буюк жангчи фиръавнлар Сети II ва Рамзес III ларнинг макбараларида, агар улар ўгирланмаганда, шубҳасиз қандай бойликлар мавжуд бўлганини кўз олдимизга келтиришимиз мумкин. Нима учун Тутанхамон қабри ўгирланмай қолган, деган саволга баъзилар уни ўгирлар тополмаганлар деган фикрни сабаб қилиб кўрсатдилар. Бу ҳақиқатдан йироқдир. Қабрнинг ўгирланмай қолганлиги уни ўгирлар тополмаганлигида эмас аксинча, Тутанхамоннинг бедарак шахслиги макбарани ўгирлардан саклаб қолган.

Ахенатон билан қариндош тутинган Тутанхамон тез орада унутилган. Уни зудлик билан кичик, кўримсиз макбарага дафн этганлар.

Кейинчалик Рамзес III макбарасини очиш пайтида ҳосил бўлган тупрок Тутанхамон қабрига қирадиган йўлни беркитиб қўйган.

Агарда макбера 1922 йил археолог Картер томонидан тасодифан топилмаганда, у биз учун ханузгача ечилмаган бир сир бўлиб қолар эди.

Хулоса қилиб айтганда, қабрдаги нарсалар бир-бирларидан ашёларининг бойлиги ва хилма-хиллиги, бажариш техникасининг мукамаллиги, бекиёс чиройи ва беағи билан ажралиб туради хамда 18-сулола давридаги ҳунармандчилик санъатининг юқори даражада ривожланганлигидан далолат беради.

Ҳозирги кунгача Тутанхамоннинг мўмиёланган жасади, ўз қабридаги саркофагда сақланмоқда. Қолганлари қимматбаҳо нарсалар билан бирга, Кохира музейига қўйилган.

Шохлар водийсидаги макбараларни кўздан кечирар эканмиз, уларда қадимги Миср ҳаётини кўрсатувчи лавҳалар хам талайгина. Бу лавҳалар асосан қояларнинг шарқий қисмидан топилган аслзода кишиларнинг макбараларида мавжуддир.

Маълумки, ўлган кишиларнинг таналари қўйилган гўрхоналар катта чуқурликда жойлашган. Уларнинг устида эса зиёратхоналар бўлган. Қадимги мисрликлар ҳаётини

кўрсатувчи суратли лавхалар ана шу зиёратхоналар деворида тасвирланган.

Мана Небамон макбараси. Деворга ишланган суратлардан бирида кандайдир аслзода папирусдан ишланган кайикда хотини ва кизи билан ов килаётгани кўрсатилган. У кайикда тик турган холда кўлида найза билан ёввойи хайвонларни овламокда. Хотини эса чўкканиб ўтирган холда эрини йикилиб кетмаслиги учун оёқларидан махкам ушлаб турибди.

Бошка кўринишда шохлар водийсида худолар ва мархумларга багишланиб уюштирилган дабдабали байрам акс эттирилган. Кабул маросимларининг мухлислари, мисрлик зодагонлар меҳмонлар билан бирга кичик курси атрофида олдиларига кўйилган илвасин, балик ва хар хил ширинликлардан тотиб ўтиришибди. Шу билан бирга уларга кизикарли томоша ҳам кўрсатиляпти. Одатда аёллардан тузилган созандалар куй ижро этмокдалар. Ёш раққосалар эса рақсга тушмокдалар. Суратда кўрсатилган икки ўйинчининг бадан харакатидаги уйғунликнинг камолот даражасига кўтарилганлиги, рассомнинг мохирлигидан далолат бериб турибди.

Икки созанданинг юзи олд томонга каратилган. Киши юзини олд томондан кўрсатиш бутун Миср рассомчилик санъатидаги одатдан ташкари холдир Маросимда ўтирганларга хизматкорлар май тутаетганларини ҳам кўриш мумкин. Гап шундаки, Мисрликлар майни жуда кадрлаганлар.

Масалан, бир аёл портретида худди., хозирги замон хазил расмларида бўлганидек куйидаги ёзув битилган: «Менинг корним очликдан сомондек курук бўлса ҳам, ичиб маст бўлгим келади».

Булардан ташкари, оддий инсон хаётига багишланган катор лавхаларни ҳам кўришимиз мумкин. Мана дехкон меҳнат даласида ер хайдаётгани, хосилни йигиштираётгани, молни бошкараётгани ҳамда хунармандчилик билан шугулланаётгани (36-расм) жонли ифода этилган.

Тутмос VI ва Фивалик ер ўлчовчи Мена макбараларидаги деворларга ишланган суратлар ҳам хаётийлиги билан киши фикрини ўзига жалб этади.

Тутмос III нинг вазири Рехмир кабрида эса кандайдир завод тасвирланган бўлиб, унда ишчилар таянма курси, тахт, бутхона ва бошка нарсалар тайёрлаётганлари акс эттирилган. Айнан шу нарсалар Тутанхамон макбарасидан топилган эди. Яна бошка бир катор суратларда Амон-Ре ибодатхонаси учун бронзадан улкан эшикларни куйиб ясаш жараёни кўрсатилган. Унда ишчилар ўчокни ёкиш учун нафасларини харакатга келтираётганликлари тасвирланган. Юкорида кишилар эритиш қошиқларида эритилган метални оташкурак ёрдамида катта тўртбурчак шаклга куймокдалар. Ундан наридаги бошка суратда Рехмир - энди у Миср фиръавни сифатида атрофни ўраб олган хомийлари билан адолат судида раислик килмокда.

Юкорида баён этилган фикрларга якун ясаб шуни айтиш мумкинки, янги подшолик даврида Миср давлати ва унинг меъморчилик санъати ўзининг энг юксак камолот

чўккисига кўтарилди. Ана шу чўккидан эса ривожланган кўшни давлатлар таъсири остида анъанавий маданиятнинг парчаланаётгани сезилиб турарди.

**Х. А. Салоҳуддинов “Фиръавнлар мамлакати” («Мехнат» - 1992) китобидан олинди.**